



Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Касал юқиши йўқ, шумланиш ҳам йўқ, лекин некбинлик (яхши фол) ва ширин сўз мени ажаблантиради», дедилар.

Имом Абу Довуд Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шумланиш ширкдир», дедилар.

Шарҳ

Бирор ишни қилишга киришган пайтида қарға ёки бойӯғлини кўриш, қора мушук йўлини кесиб ўтиши ва шунга ўхшаш нарсалар сабабли мақсадидан қайтишига шумланиш дейилади. Ислмар, рақамлар ва шунга ўхшаш нарсалар ёмонлик келтиради деб эътиқод қилиш ҳам шумланиш ҳисобланади. Шумланиш ширкдир, чунки маҳлуклардан шумлаган одамнинг Аллоҳга бўлган таваккули сусаяди ва ўша маҳлукларда ҳам бир нав фойда ёки зарар келтира олиш хусусияти бор деб эътиқод қиласи. Аммо яхши фолда қалб Аллоҳдан ўзгага боғланмайди, балки келажакда бўладиган яхшиликдан умид қиласи ва Аллоҳга бўлган гумони гўзал бўлади. Масалан бирон оғир касал бўлиб ётган одам бироннинг «саломат» деганини эшитиб қолади, бундан унинг қўнглига ҳушнудлик кириб, «ажаб эмас соғайиб, саломат бўлиб кетсан» деган нарса қўнглидан ўтади ва Аллоҳнинг қазосига яхши гумон қилиб, шифо беришини умид қилиб қолади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар

1. Шумланиш жоиз эмас.
2. Шумланиш бирон амал ёки ниятни тарк қилишга сабаб бўлса

ширк бўлади, чунки бундай одам Аллоҳдан бошқаси фойда ёки зарарни жалб қилишга қодир деб эътиқод қилиб қолади.

3. Аллоҳ таолодан яхшиликни кутиб, ишларни яхшиликка таъвил қилиш суннатдир.